

**Malika NASIROVA,**  
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF  
UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD, Chair of the  
Classical oriental literature and source study. m.nasirova@  
iiaau.uz 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.*

## АРАБ ГРАММАТИКАСИДА ТҶЛИҚ ТУРЛАНМАЙДИГАН СЎЗЛАР МАСАЛАСИ

### ПРОБЛЕМА НЕПОЛНОГО СПРЯЖЕНИЯ СЛОВ В АРАБСКОЙ ГРАММАТИКЕ

### INCOMPLETE CONJUNCTION OF WORDS IN THE ARABIC GRAMMAR

**Калит сўзлар:** флексия, морфология, синтаксис, эъроб, тўлиқ турланадиган сўзлар, тўлиқ турланмайдиган сўзлар, уч келишикли, икки келишикли, феълларнинг майли.

**Ключевые слова:** флексия, морфология, синтаксис, спряжение, слова полного спряжения, слова неполного спряжения, трёхпадежные имена, двухпадежные имена, наклонение глаголов.

**Keywords:** inflection, morphology, syntax, conjugation, full conjugation, incomplete conjugation, three-case names, two-case names, mood of verbs.

Абулқосим Маҳмуд бин Умар бин Аҳмад Замахшарий етук олим сифатида ўз асарлари билан бир қанча илмларнинг назарий асосларини яратиш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Жумладан, у «Ал-Муфасссал фи санъати-л-иъраб», «Муқаддамату-л-адаб», «Асасу-л-балағ», «Ад-дурру-д-даиру-л-мунтахаб мин кинайа ва истиара ва ташбиҳати-л-араб», «Рисала фи-л-мажаз ва-л-истиара» каби асарлари билан араб тилишунослиги [7; 79–83 б.] ва балоғат илми [9; 503 б.; 10; 77 б.] ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк олимлардан ҳисобланади.

Хусусан, «Ал-Муфасссал фи санъати-л-иъраб» араб тили грамматикасига бағишланган бўлиб, унинг синтаксиси масаласи асарнинг исм бобида «المعرب و توابعه» – Турланадиган ва унга тобеъ исмлар» мавзусида баён қилинган. Асарда даставвал турланиш – флексия масаласи муфасссал ёритилган. Чунки гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлакларининг ўзаро муносабатлари флексия ёрдамида ифодаланади. Шунинг учун араб тилишунослари аввал исмларда уларнинг қўлланилиш қоидаларини, яъни қандай ҳолатларда исм бош келишикда, қачон қаратқич ва тушум келишикларида бўлишини таҳлил қиладилар» [2; 83 б.].

Аннотация: Араб тилишунослигининг муҳим масалаларидан бири – бу эъроб бўлиб, унинг ёрдамида сўзларнинг гапдаги вазифаси аниқланади, синтактик муносабатлар ифодланади. Ўрта асрларнинг буюк тилишунослари Сибавайхи, Махмуд Замахшарий, Абу-л-Фатх Мутарризий, замонавий тилишунослардан Аббас Ҳасан, Мустафо Галайийний, рус олимлари В.Гиргас, Б.М.Гранде, Н.В.Юшманов, В.П.Старинин, Г.Ш. Шарбатов ва бошқалар ўз тадқиқотларида бу масалага жиддий эътибор қаратганлар. Махмуд Замахшарий айтганидек, «энг аввало эъробни билиш керак, зеро унинг ёрдами билан бошқа ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтириш мумкин».

Аксарият ўрта аср тилишуносларининг асарлари эъроб масаласи билан бошланади. Боиси оддийгина бўлиб кўринган ҳаракатни нотўғри ўқиш билан бутун бир гапнинг мазмуни ўзгариб кетади. Чунки араб тилида исмларнинг келишик ва феълларнинг майл кўрсаткичи шу сўзнинг охириги ҳарфи ҳаракати билан билинади. «Дамма», «каса» ва «фатҳа» белгилари «исм» сўз туркумида бош, қаратқич ва тушум келишигини, яъни гапдаги вазифасини билдирса, феълларда дарак, шарт-истак ва буйруқ майлини англатади.

Мазкур мақолада келишикларда тўлиқ турланадиган ёки икки келишикда (шаклан) турланадиган «исм»лар ва уларнинг тўлиқ турланмаслик сабаблари, икки келишикли исмларнинг «ا» артикли олганда ёки изофа бирикмасида «музоф» бўлиб келганида уч келишикка ўтиш ҳолатлари ҳақидаги масалаларга жавоб беришга ҳаракат қилинади. Икки келишикли сифат вазнлари, уларнинг уч келишикли ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган.

Аннотация: Одним из важных вопросов арабской лингвистики является «иъраб», т.е. флексия, которая определяет функцию слов в предложениях и выражает синтаксические отношения. Великие средневековые лингвисты Сибавайхи, Махмуд Замахшари, Абу л-Фатх Мутарриз, современные лингвисты Аббас Хасан, Мустафа Галайийни, русские ученые В. Гиргас, Б. М. Гранде, Н. В. Юшманов, В. П. Старинин, Г. Ш. Шарбатов и другие обратили серьезное внимание на эту проблему в своих исследованиях. Как сказал Махмуд Замахшари, «прежде всего, важно знать иъраб, посредством его можно объяснить природу других явлений».

Работы большинства средневековых лингвистов начинаются с вопроса иъраб. При неправильном чтении простого окончания «харакят», весь смысл всего предложения меняется, а иногда даже искажается. На арабском языке склонение существительных и спряжение глаголов выражается «харакьятами» последней буквы слова. Знаки «дамма», «каса» и «фатха» в имен существительных означают именительный, родительный и винительный падежи, то есть определяют их функцию в предложениях. А у глаголов в настоящем времени, выражают наклонения: изъявительное, повелительное и условное.

В этой статье мы попытаемся ответить на вопросы полного склонения и неполного, т. е. двухпадежного склонения «существительных» и их причины, а также превращения двухпадежных имен на трехпадежное при определенном артикле «аль» или в изафетном сочитании. Двухпадежные модели прилагательных и случаи их полного, т. е. трехпадежного склонения.

Annotation: One of the main issues in Arabic Linguistic is «grammatical status - إعراب» (changing of the endings of words). «Changing of the endings of words» doesn't mean changing the actual ending of the word itself (e.g., the last letter), because the actual ending itself won't change. What we're changing here is the condition of the ending of words, which means that words transition from one state to another, regardless of whether that happens explicitly or implicitly. The great linguists of the Middle Ages Sibawayhi, Makhmud az-Zamakhshariy, Abul Fatkh Mutarriziy, modern linguists Abbas Khasan, Mustapha Galayiniy, Russian scientists V.Girgas, B.M.Grande, N.V.Yushmanov, V.P.Starinin, G.Sh. Sharbatov and others paid more attention on this issue in their scientific works. Makhmud Zamakhshariy said: «First we have to know grammatical status - إعراب, because knowing of it helps us to understand other issues in grammar».

Almost all works of the Middle Ages linguists are begun with explanation of «grammatical status - إعراب». The reason of this, one small mistake in grammatical status - إعراب can change meaning of whole sentence. Grammatical status - إعراب shows noun cases and verb moods. The ضمة (damma) marks words in the nominative case, the كسرة (kasra) marks words in the genitive case and the فتحة (fatkha) marks words in the accusative case.

The present article gives more information about «grammatical status - إعراب» in Arabic Linguistic.

М.Замахшарийнинг фикрига кўра, эъроб ҳодисаси сўз охирининг маълум сабабларга кўра лафзий ва тақдирий ўзгариши ҳисобланади. Аллома сўз охиридаги ўзгаришни қуйидагича таърифлайди: «الاسم المعرب على نوعين نوع يستوفي حركات الاعراب والتأني كزيد ورجل و يسمى المنصرف و نوع يُختزل عنه الجر والتأني لشبه الفعل و يحرك بالفتح في موضع الجر كأحمد و مروان إلا إذا أُضيف أو دخله لام التعريف و يسمى غير المنصرف و اسم المتمكن يجمعهما وقد يقال للمنصرف الامكن [21; 21 б.] – Турланадиган исм икки турли бўлади: бири келишик ҳаракатлари ва танвин бўлишини талаб қилади, масалан: زيد – зайдин ва رجل – ражулин ва у «тўлиқ турланадиган» деб

номланади, иккинчиси қаратқич келишик шакли [худди феъл каби] ва танвини бўлмайди, агар у изофанинг биринчи бўлаги ёки аниқ ҳолатда бўлмаса, қаратқич келишиги ўрнида фатҳа ҳаракати қўлланади, масалан: أحمد – аҳмада ва مروان – марваъна ва у «тўлиқ турланмайдиган сўзлар», деб аталади. Бу иккиси ҳам الامكن – 'ал-мутамаккин ёки المنصرف – 'ал-мунсарифу-л-амкан сўзлардир».

Масалан, М.Замахшарий мазкур асарида тушум келишиги ҳақида: «النصب علم المفعولية» – Насб (яъни тушум келишиги) исмларнинг тўлдирувчи [вазифасида] эканлигининг белгисидир» [21; 38 б.],

– дейди. Шундан келиб чиқиб араб тилшуносларининг аъъаналарини давом эттирган ҳолда умумий тилшуносликда морфологик ҳодиса ҳисобланувчи флексия масаласини синтаксис фаслига киришда кўриб чиқилади. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарида эса флексияга шундай таъриф берилган: *الاعراب هو اختلاف آخر الكلمة باختلاف العوامل لفظا و تقديرا. و اختلاف آخر الكلمة اما بالحركات نحو: جاءني زيد و رأيت زيدا و مرتت بزيد. و اما بالحواف «Омиллар ўзгариши сабабли сўзларнинг охирида юз берадиган лафзий ёки тақдирий (вертуал) ўзгариш «эъроб», яъни «турланиш» дейилади. Сўз охиридаги ўзгариш ё ҳаракатларда бўлади каби ёки ҳарфларда намоён бўлади»* [ 5; 25 б.].

Мустафо Ғалайийний бу фикрни тасдиқлаб, «исмларнинг келишик-ларини билдирувчи аломат (ёки белги) бу ҳаракат ёки ҳарфдир» [22; 210 б.], – дейди.

Флексия – эъроб деганда сўзларнинг охириги бўғин унлисининг ўзгариши тушунилади. Исмларда бу ўзгариш унинг келишигини, феъллардаги (ҳозирги замон) ўзгариш эса унинг майлини ифодалайди, яъни рафъ – исмларда бош келишикни, феълларда дарак майлини, насб – исмларда тушум келишигини, феълларда истак майлини, жарр – исмларда қаратқич келишигини билдирса, жазм – феълларда шарт майлининг кўрсаткичи ҳисобланади. Флексия ҳақидаги илм араб грамматик тизимининг оригиналликни таъкидловчи ўзига хос хусусиятларидан биридир [ 2; 51 б.].

В.П.Старинин: «Араб грамматик назарияси асосли равишда [феъл] майлларини [исмларнинг] турланишга тенглаштиради: дарак майли бош келишикка мос келади (умумий белгиси – «у»), субъектив, яъни истак майли тушум келишигига мос (умумий белгиси – «а»), юссив, яъни шарт майли эса қаратқич келишигига мос. Дарҳақиқат, субъектив феълнинг субъекти дарак майлида турган феълнинг объекти ҳисобланади» [ 11; 11 б.], –деган фикрни билдиради.

Маълумки, араб наҳвчилари сўзларни келишикда ўзгаришига кўра икки гуруҳга: *мабний* ва *муъроб* сўзларга ажратиб ўрганадилар. Агар сўз бошқа бир сўзга боғлиқ бўлса ёки ўзидан аввал бирор бир омил келса-ю, у ўз келишик кўринишини ўзгартирмаса (яъни сўзнинг охириги ҳаракати ўзгармаса) бундай сўзлар *мабний* дейилади ва улар умуман ўзгармайдиган сўзлардир. Акси бўлган сўзлар *муъроб*, дейилади. Муъроб сўзлар морфологик жиҳатдан ўзгариб туради ва янги грамматик маъноларни англатади [1;18 б.]. Наҳвчилар флексия бўйича турланмайдиган сўзларни охирига қўйиладиган ҳаракатларга кўра дамма, фатҳа, касра ва сукун турларини фарқлайдилар.

المعرب و هو على ضربين: منصرف و هو ما يدخله الرفع و الجر و النصب و التثوين كزيد. «Турланадиган исмлар 2 хил бўлади: тўлиқ турланадиган исмлар бу زيد каби бош келишикда дамма, қаратқич келишигида касра, тушум келишигида фатҳа ва танвин оладиган исмлардир» [ 5; 25 б.].

Учала келишикда турланадиган ва танвин қабул қила оладиган сўзлар 3 келишикли [ 3; 291 б.], яъни «тўлиқ турланадиган исмлар» дейилади.

و غير منصرف و هو الذى منع منه الجرو التثوين و يفتح فى غير منصرف – موضع الجر نحو: مرتت بأحمد «Тўлиқ турланмайдиган исмлар. Бундай исмларда қаратқич келишигида касра бўлмайди ва танвин олмайди. Балки қаратқич келишигида фатҳа билан ҳаракатланади. Масалан, مرتت بأحمد каби» [ 5; 25 б.].

Иккита келишик қўшимчасига, яъни бош келишикда дамма – «у» ва қаратқич, тушум келишигида фатҳа – «а»га тугайдиган ва танвин қабул қилмайдиган исмлар икки келишикли [ 3; 292 б.], яъни «тўлиқ турланмайдиган исмлар» дейилади.

Араб тилида уч келишикда тўлиқ турланмайдиган, яъни икки келишикли исмлар ҳам бўлиб, уларни «мануъун мина-с-сарф» деб ҳам айтилади. Бундай сўзлар عَطْشَان – га ўхшаш танвин ёки касра билан тугамайдиган сўзлар киради.

Араб тилшунослари исмларнинг бундай тўлиқ турланмаслиги сабабини шундай тушунтирадилар. Тўлиқ турланмаслик икки хил бўлади:

1) Битта сабаб билан уч келишикда келиши ман қилинадиган исмлар.

Бундай исмларга охири муаннас жинсининг чўзиқ алифи билан тугаган ҳар бир сўз, масалан: زَكْرِيَاءُ ёки قُيَيْدَاغِي синиқ кўплик вазнида келган دَرَامُ مَصَانِيحُ каби сўзларкиради.

Бу вазнда келган сўз кўпликда бўлиши шарт қилинмайди, сабаби бу вазндаги бирлик сўз ҳам уч келишикда турланмайдиган исм ҳисобланади [ 3; 442-443 б.], м: سَرَاوِيلُ ، طَبَاتِيحُ

2) Иккита сабаб билан уч келишикда турланмайдиган сўзлар сифат бўлиши мумкин.

Араб тилида атоқли отлар етти ҳолатда тўлиқ турланмайди:

1) Муаннас жинсдаги атоқли от бўлиши керак, у хоҳ муаннас от билан бўлсин, хоҳ маънавий муаннас бўлсин, баробардир, масалан: فَاطِمَةُ ، طَلْحَةُ ، سَعَادُ ، زَيْنَبُ

Фақат соф (ўзлашма эмас) арабча уч ўзакли, ўртаси сукунли бўлган отлар уч келишикда турланади, м: دَعْدُ ، هَيْدُ ، جُمْلُ .

Бу исмларни уч келишикда ҳам, икки келишикда ҳам турласа бўлади. Афзали уч келишикда турланишидир. Агар уч ўзакли ўртаси сукунланган от ўзлашган бўлса, икки келишикда турланади, м: عَنَاقُ ، زَيْنَبُ ، سَعَادُ . Агар جُورُ ، جَنْصُ каби маънан

муаннас отларни музаккар деб номласанг, учта ҳарфга зиёда қилиб, уни икки келишиқда турлайсан, агар уч ҳарфли бўлса, уч келишиқда турланади. **م: دَلَالٌ ، رُبَابٌ ، وِدَادٌ**

Булар уч келишиқда турланади, агар улар билан музаккар номланса, уч келишиқда турланади. Чунки улар асли музаккар исмлардир.

Агар музаккар сўзни «та марбута»дан холи муаннас сифатлардан бўлган сифат билан номланса, у уч келишиқда турланади [ 20; 106 б.], **м: رَجُلًا ، مُرَضِعًا ، (مُثَنِّيًا)**

Куфаликлар буни уч келишиқда турламайдилар.

2) Уч ўзакли ҳарфга зиёда қилинган ўзлашма сўз атоқли от бўлиши керак, **м: إِبْرَاهِيمُ ، أَنْطُونُ**

Агар ўзлашмалар ўз тилида атоқли от бўлса, уч келишиқда турланмайди.

Агар ўзлашган атоқли от уч ҳарфли бўлса, хоҳ ўртаси ҳаракатли бўлсин, хоҳ сукунли бўлсин, уч келишиқда турланади, **м: لَمَكٌ ، نُوحٌ ، جُولٌ**.

«نُوحٌ» ва «لُوطٌ» исмлари ҳақида М.Замахшарий шундай дейди:

«إِلا ما كان على ثلاثة أحرف ساكن الوسط كنوح ولوط. فإن فيه أي في ذلك الاسم الذي كان ثلاثة أحرف ساكن الوسط مذهبين: أحدهما الصرف لخفته وعدم الصرف لحصول السببين فيه.

«نُوحٌ» ва «لُوطٌ» каби уч ҳарфдан ташкил топган ва ўрта ўзаги сукунли бўлган исмлар ҳақида икки хил фикр мавжуд:

а) енгил бўлгани учун тўлиқ турланади; б) юқорида келтирилган сабаблардан иккитаси мавжуд бўлгани учун тўлиқ турланмайди» [ 6; 91 б.].

3) Феъл вазнларидаги атоқли отлар бўлиши керак. У феълдан нақл қилинган бўлиши, **يَشْكُرُ ، يَزِيدُ ،** **دُئِلَ ، اِسْتَبْرَقَ** фарқ қилмаслиги керак, **شَمَرَ ، اُسْعَدَ** ,

Икки келишиқли сўзлар бунда феълга хосланган вазнда бўлади. Аммо кўп вазн исмда бўлади. Агар унда феъл иштирок этса, эътибор берилмайди. **У فَعَلٌ – вазнида бўлиши мумкин [ 20; 147 б. ] ,** **м: رَجَبٌ ، حَسَنٌ**

Ёки **كَتِفٌ ، خَصِرٌ** вазнида, **м: فَعَلٌ**

Ёки **عَصَدٌ** вазнида, **м: فَعَلٌ**

Ёки **فَعَّلَ** вазнида, **м: صَالِحٌ** ёки **جَعْفَرٌ**.

Бу вазндош сўзлар уч келишиқда турланади.

4) Қўшма сўзли, яъни мураккаб таркибли атоқли от бўлиши керак, **м: بعلبكٌ و خَضِرَمَوْتُ و مغدئ كرب و قالي قلا .**

5) Алиф ва нун орттирилган атоқли от бўлиши керак, **м: (6)عُثْمَانُ ، عُمَرَانُ ، غُطْفَانُ** Сўз шакли ўзгарган атоқли от бўлиши керак, **м: رُحْلٌ ، زُفَرٌ ،** бу **عُمَرُ ، غَامِرٌ** сўзларидан тўғриланган.

7) Охири алиф мақсура бўлган атоқли от бўлиши керак, **м: اَرْطَى ، ذِفْرَى**

Араб тилида сифат уч хил вазнда тўлиқ турланмайди:

1. **أَحْمَرٌ** – вазнида, аслий сифат бўлса, **м: أَفْعَلٌ** . Унда муаннас жинсининг **ة** си иштирок этмаслиги шарт қилинади. Агар у билан муаннас жинсда келтирилса, уч келишиқда турланади, **м: أَرْمَلٌ – أَرْمَلَةٌ**

Агар сифат **أَفْعَلٌ** – вазнида исмга айлантирилган бўлса, уч келишиқда турланади, **м: – أَرْبَعٌ ، أَرْبَعٌ** – Тўрт аёлнинг олдидан ўтдим, **و رَجُلٌ أَرْبَعٌ** – қуён киши.

**أَرْبَعٌ** – аслида сон, бироқ бу гапта у сифат бўлди. Биринчи мисолда сон маъносида келган. Иккинчи мисолда қуён сўзи «қўрқоқ» маъносида келган.

Агар от сифатга айлантирилган бўлса, тўлиқ турланмаслигича қолади.

Шунингдек, сифатга оид сўз исмга айланса, уч келишиқда турланади, **м: أَذْهَمٌ –** ёзиш учун, **أَسْوَدُ** – тирилтириш учун.

2. **سَكْرَانٌ غَطْشَانٌ** – вазнидаги сифат бўлса, **м: فَعْلَانٌ**. Унинг икки келишиқли бўлиши учун муаннас жинсининг **ة** си иштирок этмаслиги шарт қилинади. Агар муаннаслик **ة** бўлса, уч келишиқда турланади [ 22; 290 б.], **м:**

**مَصَّانٌ –** тубан (طويل) узун маъносида **سَيِّفَانٌ (النَّيْم)**.

Бу сўзларнинг муаннас кўриниши: **مَصَّانَةٌ سَيْفَانَةٌ** шаклида бўлади.

Тўлиқ турланмайдиган сифатларга келсак, улардан **فَعْلَانٌ** вазнидаги-ларнинг муаннас шаклида ҳам келадиганлари 13та бўлиб, улар:

|                                         |                                 |
|-----------------------------------------|---------------------------------|
| <b>قَاتِطَانٌ</b> – катта қоринлар      | <b>نَذْمَانٌ</b> – афсусланувчи |
| <b>دُخْنَانٌ</b> – қоронғи кун          | <b>سَيِّفَانٌ</b> – узун        |
| <b>صَوْجَانٌ</b> – куруқ лутсиз кун     | <b>صَنِجَانٌ</b> – бу-          |
| <b>سَخْنَانٌ</b> – иссиқ кун            | <b>مَوْتَانٌ</b> – заиф қалб    |
| <b>عَلَانٌ</b> – кўп унутувчи           | <b>فَشَوَانٌ</b> – нозик        |
| <b>نُصْرَانٌ</b> – насронийларнинг бири | <b>مَصَّانٌ</b> – тубан         |
| <b>أَلْيَانٌ</b> – катта думбали.       |                                 |

Буларнинг барчаси муаннас жинсида ўзгаради, шунинг учун уч келишиқда турланади. Булардан бошқалари уч келишиқда турланмайди, яъни икки келишиқли бўлади, чунки уларнинг муаннас шакли **فَعْلَى** – вазнида бўлади, **м:**

**عَطَشَى – غَطْشَانٌ ، غَدَبَى – غَدْبَانٌ**  
**جَوْعَى – جَوْعَانٌ ، سَكْرَى – سَكْرَانٌ**  
**سُؤْيَا –** сўзига келсак, у икки сабаб мавжудлиги учун уч келишиқда турланади, 1) у **فَعْلَانٌ** вазнида эмас; 2) у муаннаслик белгиси **ة** ни олади, **м: شَيْبَةً صَعْبَةً** яъни **لَيْلَةُ أَرْوَانَةٍ . يَوْمٌ أَرْوَانٌ**

3. **عَذُولَةٌ** – тўғриланган сифат бўлса ва у сифат бошқа вазндан тўғриланган бўлса. Тўғрилиқ васф билан бирга иккита ўринда бўлади:

Биринчиси: **فَعْلَالٌ** ёки **مَفْعَلٌ** вазнида бўлади, м:  
أَحَادٌ – مَوْحِدٌ، ثَنَاءٌ – مَثْنَى، ثَلَاثٌ – مَثَلثٌ.

У **إِثْنَيْنِ** – **إِثْنَيْنِ** ва бошқалардан тўғирланган, м:

إِنَّهُمْ جَاءُوا إِثْنَيْنِ إِثْنَيْنِ مَاْНОСИ **جَاءَ الْقَوْمُ مَثْنَى**

Иккинчиси: **مَزْرُتٌ بِنِسَاءٍ آخَرَ**, м: **آخَرُ** – бошқа аёллар олдидадан ўтдим.

Аллоҳ таоло айтади: **فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ**

**آخَرَ** – нинг кўплиги муаннас шакли **أُخْرَى** у

**آخَر** (фатҳали «х») сўзи **أَفْعَلٌ** вазнидаги орттирма даражадаги сўз.

Орттирма даражадаги сўз **ال** артиклизисиз ва **إضافة** бирикмасида бўлмаса, у бирлик сонда ва музаккар жинсда ишлатилиши керак бўлади. Унинг сифатланиши иккилик ёки кўплик сонда бўлсин, ёки муаннас жинсда бўлсин тенгдир. Шунингдек, у бу ерда ҳол вазифасида келган, м:

أَذَانُكَ أَزْفَعٌ، أَخْلَافُكَ أَطْيَبُ

**آخر** эса бу истеъмолдан юз ўгирилган. У сифатланмиш ўрнида ишлатилади ва айтилади [ 22; 289 б.]:

آخر، آخران، آخرون  
أخْرَى، أَخْرِيان، أَخْرُ.

Икки келишиқда турланадиган сўз танвин ва касра қабул қилмайди. У фатҳа ҳаракати билан қаратқич келишигида туради, м: **مَزْرُتٌ بِأَفْضَلٍ مِنْهُ**

Фақатгина **ال** билан келса ёки изофа қилинса, касра билан қаратқич келишигида келади, м: **أَحْسَنُتُ** – ёки музоф бўлмаса ҳам уч келишиқда турланиши мумкин, бу шеър ёзишда заруратдан бўлади. Мисол қилиб пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кизлари – Фотима розияллоҳу анҳонинг уларга ёзган марсиясини олишимиз мумкин:

مَاذَا عَلَى مَنْ شَمَّ ثَرِيَّةَ أَحْمَدٍ  
أَنْ لَا يَشَمَّ مَدَى الزَّمَانِ غَوَالِيَا .

**جَوَازٌ** ва **غَوَاشٌ** каби уч келишиқда турланмайдиган ноқис сўзларда уларнинг иллатли йойи рафъ ва жарр ҳолатда тушириб қолдирилади ва танвин олади, м:

جَاءَتْ جَوَارٍ، مَزْرُتٌ بِجَوَارٍ .

Унда тушириб қолдирилган йойга тақдирий фатҳа ҳаракати билан қаратқичда бўлади, шунингдек тақдирий дамма билан бош келишиқда бўлади. Насб ҳолатга келсак, йой фатҳа ҳаракатини олади, м:

رَأَيْتُ جَوَارِيَّ وَ نَاجِيَّ

Тилшунослар ноқис «йой»ни «агар атоқли от бўлса, уч келишиқда турланмайди», – дейдилар, м.:

جَاءَتْ نَاجِيَّ، رَأَيْتُ نَاجِيَّ، مَزْرُتٌ بِنَاجِيَّ

Баъзи тилшунослар бу сўзларни назмда ҳам, насрда ҳам уч келишиқда турланиши дуруст дейишса, баъзилари эса у фақат шеърият тилида бўлиши мумкин, дейишади.

Араб тилидаги «икки келишиқли исмлар» мавзусини махсус тадқиқ қилган Н.В.Юшманов **منصرف** атамалари ва уларнинг маъноси ҳақида алоҳида тўхталган. Жумладан, «Қадимги араб филологлари **منصرف** ва **غير منصرف** атамаларидан фойдаланишган. Бу терминлар ҳозирги замон араб филологлари томонидан ҳам сақланиб қолган. Улар **غير منصرف** сўзини «турланадиган [сўз]», **منصرف** сўзини эса унга қарама-қарши маънода, яъни «турланмайдиган [сўз]» маъносида тушунадилар. Амалда эса бу сўзлар ҳам турланади, у сўзлар ҳам турланади. Демак, бу таржималарга ойдинлик киритиб «тўлиқ турланадиган» ва «тўлиқ турланмайдиган [сўзлар]» дейиш керак. **لُغَاتِيَا الْعَرَبِ** – Сўзнинг эъроби унинг танвин билан таъминланишидир» дейилган. Демак, араб атамалари **منصرف** ва **غير منصرف** ни «эъробланадиган» ва «эъробланмайдиган», яъни кўпчилик Европа олимлари каби «флексияланадиган ва флексияланмайдиган» дейиш мумкин. Бироқ араб тилидаги «**صرف**» билан европача «флексия» бир-бирига мос келмайди. Шу боис аниқроқ қилиб **منصرف** сўзини «танвин қабул қилувчи [сўз]», **غير منصرف** сўзини «танвин қабул қилмайдиган [сўз]» деб таржима қилиш керак» [ 14; 253 б.].

Маҳмуд Замахшарий исмларнинг тўлиқ турланмаслигининг сабаблари ҳақида шундай дейди:

أسباب منع الصرف تسعة:  
العلمية والتأنيث ووزن الفعل والوصف والعدل والجمع والتركيب والعجمة والألف والنون المضارعان لألفي التأنيث. متى اجتمع في الاسم سببان منها أو تكرر واحد لم ينصرف.

«Исмларнинг тўлиқ турланмаслигининг сабаби 9 та, улар: исмнинг 1) атоқли от, 2) муаннас жинсда, 3) феъл вазнида, 4) сифат, 5) сўз шаклининг бузилиши, 6) кўплик шакли, 7) қўшма, 8) ажнабий сўз бўлиши, 9) муаннас жинсининг икки алифи **واو** ва **ياء** каби **بشرى وحمراء** / **بشرى وحمراء** тугаган бўлишидир. Бир исмда шу сабаблардан икkitаси мавжуд бўлса ёки бири икки марта такрорланса, бундай сўз тўлиқ турланмайди [яъни икки келишиқли бўлади] [ 21; 21 б.].

Демак, араб тилидаги флексия бўйича ўзгарувчи исмларнинг турланиши икки хилда рўй беради: тўлиқ турланиш ва тўлиқ бўлмаган (қисман) турланиш. Араб тилидаги исмларнинг кўп қисми тўлиқ турланса-да [12; 35 б.], Замахшарий тўлиқ турланмайдиган сўзларнинг 9 турини келтирганини юқорида кўриб ўтдик. Маҳмуд Замахшарийнинг издошлари ҳам ўз асарларида унинг фикрларини, келтирган сўзларнинг турларини тилга олганлар.

Жумладан, Абу-л-Фатх Мутарризий турланиш масаласи ҳақида «ал-Мисбоҳ» асарининг терминларга оид бобида шундай фикр юритади: «**المعرب** على ضربين منصرف و هو ما يدخله الجر مع التثنية وغير منصرف

ما لا يدخله الجر مع التثوين و كان في موضع الجر مفتوحا و الاسباب المانعة من الصرف تسعة التعريف و التأنيث و وزن الفعل و الوصف و العدل و العجمة و التركيب و الجمع الاقصى و الالف و النون – *Турланадиган сўзлар иккига бўлинади, улар: қаратқич келишиги ва танвини бор тўлиқ турланадиган сўзлар; бу белгиларни олмай-диганлари эса тўлиқ турланмайдиган сўзлардир, бу сўзларнинг қаратқич келишиги ўрнида фатҳа қўлланади. Тўлиқ турланмаслик сабаблари 9 та-дир, улар: атоқли от, муаннас жинс, феъл вазни, сифат, сўз шакли бузилиши, ўзлашма, сўз бирикмаси, синиқ кўплик, муаннасининг икки алифига ўхшаши нун ва алиф»* [15].

Сибавайҳи «ал-Китоб» асарида тўлиқ турланмайдиган сўзларни эслатиб ўтган, аммо уларнинг сабабларини келтирмаган. Фарисий ва Замахшарийдан бошлаб кейинги нахв илми олимлари тўлиқ турланмайдиган исмларнинг тўққизта сабабини эътироф этадилар [2; 63 б.].

Маҳмуд Замахшарий шундай сўзларнинг флексияси бўйича қуйидаги фикрни билдиради: «المبنى وهو الذي سكون آخره وحركته لا بعامل وسبب بنائه مناسبته ... يسمى [21; 22 б.] – бу сўзларнинг охиридаги сукуни ва ҳаракати грамматик омил таъсирида уни турлаш мумкин бўлмаганлиги сабабли ўзгармайди, жумладан, бу сўзларнинг охиридаги сукун – вақф (*тўхташ*), ҳаракатлари эса фатҳа, дамма, касра деб аталади». Замахшарий умуман турланмайдиган сўзларга *اين* – *айна* ва *امس* – *амси* каби сўзларни, буйруқни ифодаловчи *فعل* – *фа* *‘али* вазнидаги сўзларни, биринчи шахс бирлик бирикма олмоши билан изофада турган сўзларни: *غلامي* – *ғулами*; ундалмадаги атоқли отни, масалан: *يأيد* – *йй* *Зайду*; мутлақ инкор юкламаси билан келган турдош отни: *لا رجل في الدار* – *лā* *ражула фи-д-дāри*; қўшма сўзлар (сўз бирикмаси)ни: *عشر* – *хамсата* *‘ашара*; *تَحْتُ* – *тахту*, *بَعْدُ* – *ба‘ду*, *فَوْقُ* – *фавқу*, *قَبْلُ* – *қаблу* каби изофада бўлиб, кейин ўзгармас ҳолга келган сўзларни киритади.

Абу-л-Фатҳ Мутарризий келишиқда ўзгармайдиган сўзларнинг қуйидагича таснифини беради: «المبنى ضربان لازم و عارض فاللازم ما تضمن معنى الحرف كايين و متى و كيف ما اشنه منه كالذي و التي و نحو ذلك و العارض خمسة اشياء المضاف الى ياء المتكلم و المنادى المفرد المعرفة نحو يا زيد و النكرة المفردة مع التي لنفي الجنس نحو لا رجل في الدار و المركب وما حذف منه المضاف اليه و هو قبل و بعد و فقرة تحت *Умуман турланмайдиган сўзлар икки турда бўлади: лозим ва кўрғазма (вақтинча шу ҳолатда турган) кўрсаткичли, лозим кўрсаткичлиларга اين* ва *امس* каби равишлар ва *الذي* сингари нисбий олмошлар киради; кўрғазмалилар 5та турга эга, улар: биринчи шахс бирлик бирикма олмоши билан изофада турган сўзлар, ундалмадаги атоқли от, мутлақ инкор юкламаси билан келган турдош от, қўшма сўзлар (сўз

*бирикмаси*), *تَحْتُ* – *тахту*, *بَعْدُ* – *ба‘ду*, *فَوْقُ* – *фавқу*, *قَبْلُ* – *қаблу* каби сўзларнинг изофадаги аниқловчиси тушиб қолганда, улар ўзгармас ҳолга келади». Мутарризий феълларнинг ўтган замони, иккинчи шахс буйруқ майли шакли, ҳозирги-келаси замон иккинчи ва учинчи шахс муаннас жинси шакллари, буйруқнинг иккинчи шахс шакллари, ундан ясаладиган таъкид майли *нуни* ҳам ўзгармас ҳисобланишини айнан шу бобда айтиб ўтади [15]. Мутарризий бу масала юзасидан Маҳмуд Замахшарий баён этган қоидаларни айнан қайтарган бўлса-да, у бу мавзунинг терминларга оид бобда тақдим этган.

Маҳмуд Замахшарий араб тилидаги умуман турланмайдиган сўзларнинг ҳар бир гуруҳини батафсил баён этган. У олмошлар гуруҳида аввал сўзларга қўшилиб келадиган бирикма [ўзлик] олмошларини ва ўтган замон феълнинг шахс-сонда тусланишидаги олмошларни, кўрсатиш олмошларини, нисбий олмошларни, феъл-исмларни, равишларни, сўз бирикмаларини, шунингдек, бошқа нахвшунос-тилшунослардан фарқли равишда кинояларнинг ўзгармаслигини батафсил ёритади.

Сибавайҳи флексия бўйича ўзгармайдиган исмларни асарида қайд этган, аммо уларнинг таснифини амалга оширмаган. Маҳмуд Замахшарий бу ҳодисани «ал-Муфасссал» асарида батафсил ёритиб, лаҳжаларда қўлланадиган лақаб сўзларини ҳам ўрганган. Шунингдек, у ҳис-ҳаяжон, туйғуни англатадиган ундовнинг «اسماء الاصوات» – *‘асмā ‘у-л-‘асвāт* – *овозли сўзларнинг»* ҳам келишиги йўқлигини таъкидлайди. Арабшунос олимлар ҳозирги даврга қадар бу тасниф тилшунослар орасида эътиборда эканлигини қайд этадилар [1; 18 б.].

Абу-л-Фатҳ Мутарризий келишиқда ўзгармас сўзларни икки гуруҳга бўлади, у биринчи турни ўзгармаслиги тайин, аниқ ёки шарт бўлган сўзлар, деб юқоридаги мисолларни келтиради. Шунингдек, у муаян омил таъсирида келишиқда ўзгармас бўлиб қолган сўзларни ҳам келтириб, уларни иккинчи гуруҳга жамлайди ва *عارض* – *‘арид* «кўрғазма қилувчи ёки шундай кўрсатувчи» термини билан атайди. Араб тилида баъзи юкламалардан сўнг сўзлар ўзгармас бир келишиқда ишлатилади ва маъноси ҳам шунга муносиб равишда бўлади. Мазкур сўз айнан шу юклама билан бошқа келишиқда ҳам қўлланиши мумкин, аммо бу вазиятда унинг маъноси ўзгаради. Шу сабабли бу сўзларни араб олимлари маълум бир юкламага мабний сўз, деб аташади [22; 124 б.]. Абу-л-Фатҳ Мутарризий тақдим этган ушбу турдаги келишиқда ўзгармас сўзлар Маҳмуд Замахшарий томонидан ажратилмаган бўлса-да, лекин араб тили грамматикасига оид маълум мавзулар ёритилаётганда, уларга алоқадор қоидалар келтирилган.

Ҳозирги замон араб тили мутахассислари ҳам исмларнинг турланмаслиги ёки тўлиқ турланмаслигига юқоридаги сабабларни кўрсатадилар ва уларни гуруҳларга ажратиб талқин қиладилар [3;291–296 б.; 14;95–96 б.].

Гапни синтактик ва семантик ташкил қилишда асосий рол ўйнайдиган ва гапнинг бутун структурасини белгилайдиган гап бўлаклари – эга ва кесим бўлиб, улар «гапнинг бош бўлаклари» деб аталади. М.Замахшарий уларни «ал-Муфассал» асарининг المرفوعات – «Бош келишиқдаги исмлар» фаслида баён қилган. Чунки жумланинг эгаси, яъни иш-ҳаракатни бажарувчи субъект ҳар доим бош келишиқда бўлади. Бош келишиқ эса таъкидлаганимиздек «дамма» билан ифодаланади.

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ҳақида аллома асарнинг المنصوبات – «Тушум келишиғидаги исмлар» ва المجرورات – «Қаратқич келишиғидаги исмлар» мавзуларида сўз юритади. Тушум келишиғидаги исмларга тўлдирувчи ва унинг турлари (ўз-ўзини тўлдирувчи, воситасиз тўлдирувчи, бир-галлик тўлдирувчиси ва бошқалар); ҳол ва унинг турлари (ўрин-пайт, сабаб, мақсад, ҳолат холлари); тамйиз, яъни чекловчи – аниқловчи, изоҳловчи ва унинг турлари киритилган. Шундай катта мавзуларни бир фаслда бирлаштириб баён қилинишига сабаб уларнинг барчаси «фатҳа» ҳаракати билан эъробланади.

Ўзбек тилишунослигида аниқловчи, сифатловчи, қаратқич-аниқловчи деб аталадиган синтактик категориялар «ал-Муфассал» асарининг المجرورات – «Қаратқич келишиғидаги исмлар» фаслида берилган. Сабаби, мазкур категорияларга хос бўлган умумий аломат «касра» ҳаракатидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, [сўзнинг] охириги ундошининг «а», «и» ёки «у» унлисини бир-бирига алмаштириб ўқиш ёки ёзиш [баъзилар учун жузъий хато бўлиб кўринсада] тилишуносликнинг асосий бўлими бўлган [гап] синтаксис[и] ва синтактик категорияларни билмасликни англатади<sup>28</sup>. Араб тили синтаксисининг асоси эса эъробдир.

#### ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Belkin V.M. Arabskaya leksikologiya. -M.: Mosk. Univ. 1961.
2. Girgas V. Ocherk' grammaticheskoy sistemi arabov'. – SPb.,1873. –203s.
3. Grande B.M. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitel'no-istoricheskoy osvешenii. - M, 1998.
4. Ibrohimov. N, Yusupov. M. Arab tili grammatikasi. I jild.-T.: O'zb.mil.ents., 2007.

5. Nosirova M. O'rta asr arab nahvidan namunalar. –T.:TDSHI, 2004. –72b
6. Nosirova M. Mahmud Zamaxshariyning «Al-Unmuzaj fi-n-nahv risolasi. –T.: TDSHI, 2005. –188b.
7. Nosirova M. Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhr's linguistic school //The Light of Islam. – 2019. – T. 2019. – №. 1. – S. 79-83.
8. Nasirova M. Iz istorii vozniknoveniya arabskoy grammatiki: ponyatie fleksii// «Vostokovedenie». –T.: TGIV. 2008. № 1-2. –S.107-111.
9. Rustamiy S. «Esasu-l-belaga» ve «Divan-u lugat-it-turk» eserlerinin dil bilimi ve belagat bilimiyle ilgili yonleri //Electronic Turkish Studies. – 2016. – T. 11. – №. 20. – S. 503-522.
10. Rustamiy S. Typological peculiarities of science of balaghah, rhetoric and stylistics //The Light of Islam. – 2018. – T. 2018. – №. 1. – P. 76-79.
11. Starinin V.P. Struktura semitskogo slova. –M.: Vost.lit., 1963.
12. Sharbatov G.SH. Sovremenniy arabskiy yazik. – Moskva, 1961.
13. Yushmanov N.V. Grammatika literaturnogo arabskogo yazika -M.: Nauka, 1985.
14. Yushmanov N.V. Raboti po obshey fonetiki, semitologii i arabskoy klassicheskoy morfologii. –M.: Vost. lit., 1998.
15. Qosimova S.S. XI–XIII asrlarda Movarounnahr tilshunoslarining arab grammatik nazariyasi bo'yicha ilmiy tadqiqotlari. Filol.fanl. bo'yicha fals.dokt. (PhD) .....diss. –T. 2017.
16. Yakovenko E.V. Nepravil'nie glagoli arabskogo yazika.-M.: Vost.lit., 2000. –728s.
17. أبو بكر على عبد العليم . دروس في الاعراب . –القاهرة. 2002. ص. 240
18. أبو بكر على عبد العليم.مكتبة الأسرة في النحو. القاهرة. 2014. ص. 400
19. السيد خليفة .الكافي في النحو. –مصر.: دار التقوى . 2013. ص. 642
20. عباس حسن. النحو الوافي. – مصر. 2004. ص. 147.
21. محمود الزمخشري. المفصل في صناعة الاعراب. – مصر. 2012. ص. 359
22. مصطفى غلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت. 2002. ص. 331
23. فؤاد نعمة . ملخص قواعد اللغة العربية. – مصر. -1987. ص. 214.
24. فاضل صالح السالمرائيز أبو البركات بن الأنباري و دراياته النحوية. بيروت. 2016. ص. 325
25. مجموعة النحو. تأليف نخبة من العلماء. – اسطنبول 2017. ص. 272.



<sup>28</sup> Сўзлашув тили бундан мустасно.